

---

## КОНДИЦИОНЕРЛАР ВА ВЕНТИЛЯТОРЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА МДХДА ЕТАКЧИЛАРДАН ҲИСОБЛАНГАН “ВЕЗА” КОМПАНИЯСИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ЎРНАТМОҚДА

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Россиянинг “Вега” компанияси вакиллари қабул қилди.

Ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш масаласи муҳокама қилинган мулоқот давомида “Вега” компанияси раҳбари Андрей Дерепасов ва компаниянинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси директори Олег Аксеновлар Россия компаниясининг бугунги кундаги фаолияти ҳақида маълумот бердилар.

“Вега” компанияси 1995 йилда ташкил этилган бўлиб, кондиционерлар, вентиляторлар ва бошқа шунга ўхшаш ускуналарни ишлаб чиқариш бўйича тўлиқ технологик циклга эга. Унинг Россия, Украина ва Белоруссия каби давлатларда корхоналари бор ва ўз йўналишида МДХ давлатларида етакчилардан бири ҳисобланади.

Компания мутахассислари саноатнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ядро, нефть ва газ, кимё, енгил саноат учун махсус ускуналар дизайнини ишлаб чиққанлар.

Шунингдек, компания мижозларга ускуналар етказиб беришда, лойиҳаларни ҳисоблашда ва ускуналарни танлашда илмий-техник ёрдам беради. Бундан ташқари ўқув семинарлар ташкил этилиб, ускуналардан фойдаланиш тартиблари ишчиларга ўргатиб борилади.

Учрашувда Фарғона вилояти “Вега” компанияси маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда муҳим салоҳиятга эга эканлиги, қўшни Тожикистон, Қирғизистон, шунингдек, Эрон ва бошқа давлатларга маҳсулотларни экспорт қилиш имконияти юқорилиги эътироф этилди.

Ушбу жиҳатлардан келиб чиқиб, томонлар ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга келишиб олишди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#),  
2021-06-16 14:49:54